

2/2023,
mart-aprel
(№ 00064)



СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Нурматов Шерзод Рустамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази мустақил изланувчиси. Тошкент, Узбекистон.
sherzod4444@bk.ru

ORCID: 0009000375835651

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i42

Аннотация

Мақолада имтиёзларидан фойдаланишининг хориж тажрибасининг назарий асослари бўйича иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилган. Солиқ имтиёзларини қўллашнинг сабабий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар кўриб чиқилиб, солиқ имтиёзларини, хусusan, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга тъсири мулоҳаза қилинган ва тадқиқот доирасида хулоса-таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ имтиёзлари, солиқ таътиллари, солиқ ставкалари, солиқ чегирмалари, солиқ тўлашдан озод этиш.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ

Нурматов Шерзод Рустамович

Независимый научный сотрудник научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В статье рассматриваются исследования экономистов на теоретической основе зарубежного опыта использования льгот. Рассмотрены исследования причинно-следственных аспектов применения налоговых льгот, рассмотрено влияние налоговых льгот, в частности, на прямые иностранные инвестиции, в рамках исследования сформированы выводы и предложения.

Ключевые слова: налог, налоговые кредиты, налоговые каникулы, налоговые ставки, налоговые вычеты, освобождение от налогов.

FOREIGN EXPERIENCE OF USING TAX BENEFITS

Nurmatov Sherzod Rustamovich

Independent researcher of the research center "Scientific bases and problems of the development of the economy of Uzbekistan" under the Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

The article examines the research of economists on the theoretical basis of the foreign experience of using benefits. Researches on the causal aspects of the application of tax incentives were considered, the impact of tax incentives, in particular, on foreign direct investments was considered, and conclusions and suggestions were formed within the framework of the research.

Key words: tax, tax credits, tax holidays, tax rates, tax deductions, tax exemption.

Кириш

Дунё тажрибасидан маълумки, иктисодиётни солиқ сиёсатини такомиллаштириш орқали тартиба солиш ҳар қандай мамлакатнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланган молиявий сиёсатнинг долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни изчил давом эттириш, миллий иктисодиётни ривожланган замонавий мамлакатлар даражасига кутариш, экспортга йуналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда солиқ сиёсатининг таркибий қисми бўлган солиқ имтиёzlари долзарб ҳисобланади.

Сўнгги йигирма йил ичида кўпчилик ҳукуматлар ўзларининг ривожланиш мақсадларига эришишга ёрдам бериш учун хусусий капитални ва улар билан боғлиқ технология ва бошқарув кўниммаларини жалб қилиш учун ўз мамлакатларини инвестицион ҳудуд сифатида фаол равишда илгари сурмоқда. Улар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келишини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирларни тобора кўпроқ қабул қилмоқдалар. Бундай чора-тадбирларга хорижий инвестиция лойиҳаларини қабул қилиш ва яратиш бўйича қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни либераллаштириш киради; инвестициялар ва фойдаларни репатриация қилиш кафолатларини таъминлаш; ва инвестиция низоларини ҳал этиш механизмларини яратиш. Солиқ имтиёzlари ҳам ушбу тарғибот тадбирларининг бир қисмидир.

Бизнинг тадқиқотларимиз давомида солиқ назарияси таркибини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, солиқ маъмурчилигидан, айниқса, қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигидан кейинги мураккаб назария бу-солиқ имтиёzlари назариясидир. Чунки мамлакатда солиқ имтиёzlарини бериш қанчалик иктисодий жиҳатдан асосланиб берилса, бу мамлакатда тадбиркорлик ривожланади, жорижий инвесторларни кўпроқ жалб этиш имконияти ошади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлиб, бозорда рақоботбордош бўлишилиги таъминланади. Бу каби тадқиқотнинг долзарб эканлиги, ушбу мавзунинг ўрганишга бўлган заруратни оширмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

У.Х.Нормурзаев илмий ишларида солиқ имтиёzlарини “Солиқ имтиёzlари - солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти” деб эътироф этиш ҳамда “солиқ имтиёzlарини ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ва солиқ имтиёzlарининг ҳар бир турига маҳсус идентификация кодини берган ҳолда амалга ошириш кераклигини мақсадга мувофиқ”[17] - деб ҳисоблайди.

О.О.Юшкова илмий ишларида солиқ имтиёzlарини қўйидагича талқин қиласди: “Замонавий бозор иктисодиёти шароитида солиқ имтиёzlари давлат солиқ сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий ва иктисодий мақсадларга эришишга қаратилган” [31].

В.Г.Пансковнинг фикрича, муайян фаолият турларига нисбатан қўлланиладиган имтиёzlар субсидиялар тўлашга тенг бўлиб, ташкилотларнинг фаоллигини оширишга ва уларнинг самарадорлигини оширишга олиб келиши мумкин [25].

Ф.Рахматуллаева солиқ имтиёzига категория сифатида қўйидагича таъриф берган: “имтиёzlар - бу иктисодиётни давлат томонидан тартиба солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуqlари ва мажбуриятлари мажмуидир” [28].

Солиқ имтиёзлари - бу иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ёки бўлинмаларини уларнинг маҳсулдорлик даражасини оширишга рағбатлантириш учун ҳукумат томонидан белгиланадиган энг муҳим пакет. У иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантириш учун мўлжалланган, бу эса мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ошириши керак. Солиқ имтиёзларини иқтисодиётнинг айрим имтиёзли тармоқларига инвестицияларни рағбатлантириш учун мўлжалланган рағбатлантириш сифатида тавсифлаш мумкин, баъзан улар иқтисодиётнинг жадал ривожланиши учун ички етказиб беришни тўлдириш учун валюта оқимини жалб қилишга қаратилган [6].

Бассейга кўра, солиқ имтиёзлари - бу солиқ тўловчиларга маълум фаолият турлари билан шуғулланишни рағбатлантириш сифатида давлат томонидан тақдим этиладиган даромад ёки солиқ мажбуриятидан маҳсус истиснолар, имтиёзлар ёки чегирмалар[5].

Ҳукумат уларни муайян йўл билан тутишга ундаш учун ҳар хил турдаги рағбатларни тақлиф қиласди. Солиқ имтиёзларига мисоллар: капитал қўшимчалари, инвестиция имтиёзлари, инвестиция солиғи кредити, солиқсиз дивидендлар, зарарни қоплаш, солиқ таътиллари, паст солиқ ставкаси, айрим кредитлар бўйича фоизлардан озод қилиш [2].

Солиқ имтиёзлари қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, нефть-газ ва бошқалар бўйича берилади ва улар, айниқса, солиқ ислоҳотлари ва солиқ қонунчилигига ўзгартишлар киритиш жараёнида мунтазам қайта кўриб чиқиласди. Шунингдек, Г.Иҳе фикрига кўра, солиқ имтиёзлари иқтисодий тартибга солиш ва стратегия бўлиб, унда ҳукумат баъзи компаниялар ёки жисмоний шахслардан ривожланишни рағбатлантирадиган маълум иқтисодий сабабларга кўра камроқ ёки умуман солиқ тўламасликни сўрайди [7]. Нефть ва газ соҳасида солиқ имтиёзлари зарур, чунки сектор ҳозирда мамлакат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади [3].

Марис Лиепа қарашларида солиқ имтиёзлари қўйидаги белгилар билан таснифланади:

1. Солиқ имтиёзи - бу асосий (норматив) солиқ тузилмасидан четга чиқиш.
2. Солиқ имтиёзлари алоҳида солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлардир.
3. Солиқ имтиёзи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш воситасидир [18].

3.Курбанов ва Ф.Акрамов “солиқ имтиёзларининг моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

- солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;
- солиқдан чегирмалар;
- солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар)” [22].

О.С.Беломытцева ёзишича, “солиқ имтиёзлари солиқ сиёсатининг кенг тарқалган воситасидир. Умуман олганда, солиқ имтиёзлари давлат ёки минтақавий ҳокимият томонидан берилган имтиёз остида солиқ тўловчиларнинг маълум бир тоифаси учун солиқ юкини камайтиришдир” [15].

Ж.Ж.Урмонов томонидан: “солиқ имтиёзи – Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятини қисқартириш, солиқ ставкаси ва солиқ базасини камайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти” [30].

Ф.И.Исаев фикрича эса, “солиқ имтиёзлари – юридик шахсларнинг айрим тоифаларини солиқлар тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш, ёки солиқларни камроқ миқдорда тўлаш учун берилган имкониятлардир” [20].

Солиқ имтиёзларни ўрганишда унинг таснифланиши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу борада ҳам иқтисодчиларнинг қарашлари турлича.

Солиқ имтиёзларини таснифлаш – бу маълум бир чегараловчи (таснифлаш) белгиси асосида тузилган ва тизимлаштириш ва таққослаш мақсадлари билан шартланган солиқ имтиёзларини муайян гурухларга ажратишdir.

П.Кузнецов “солиқ имтиёзларини Россия Федерацияси Солиқ кодексига асосан соликдан озод этиш, солиқ базасини пасайтириш ва солиқ кредит беришга ажратади” [21].

В.А.Тарасченко “солиқ имтиёзларини Украинанинг солиқ қонунчилигига асосан солиқ иммунитети, солиқ амнистияси ва солиқ таътилларига ажратишни таклиф этган ва уларга таъриф берган” [29].

Хулоса қилиб айтганда, хорижий олимлар томонидан солиқ имтиёзлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар солиқ сиёсати ва уларнинг таъсирини тушунишимизга ҳисса қўшиши ва турли нуқтаи назардан қимматли фикрларни тақдим этиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай тадқиқот сингари, у таңқидий баҳоланиши ва мазмунли хулосалар чиқариш учун тегишли омиллар контекстида кўриб чиқилиши керак.

Тадқиқот методологияси

Мақолада солиқ имтиёзлари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, индукция, дедукция, илмий мушоҳадалар асосида илмий хулосалар шакллантирилган. Солиқ имтиёзлари бўйича хорижий тадқиқотлар сифати, методологияси ва долзарблигини баҳолаш мұхим, чунки тадқиқотнинг ўзига хос шароитларига қараб хулосалар фарқ қилиши мумкин. Шуни инобатга олиб, илмий мушоҳада қилинди ва тегишли хулосалар чиқарилди.

Таҳлил ва натижалар

Солиқ имтиёзлари корхоналарни муайян лойиҳалар ёки тармоқларга сармоя киритишига ундаш учун солиқ юкини камайтирадиган ҳар қандай рағбатлантириш сифатида белгиланиши мумкин. Солиқ имтиёзлари, масалан, фойда солиғи ставкаларини пасайтириш, солиқ таътиллари, тезлаштирилган амортизация ва йўқотишларни солиқقا тортиш мақсадларида ўтказишга имкон берувчи бухгалтерия ҳисоби қоидаларини, импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва хом ашёларга бўлган тарифларни пасайтиришни ёки даромадларни ҳимоя қилиш учун оширилган тарифларни ўз ичига олади. Солиқ имтиёзлари муайян тармоқлар ёки географик ҳудудларга инвестицияларни рағбатлантириш учун мўлжалланганлиги сабабли, улар камдан-кам ҳолларда шартларсиз тақдим этилади. Кўпинча мамлакатлар солиқ имтиёзлари ва асосий чекловларни батафсил тавсифловчи маҳсус рағбатлантириш режимларини ишлаб чиқадилар. Масалан, ушбу режимлар обьектни маълум бир минтақа(лар)да ташкил этишни, маълум айланмага эга бўлишни, технологияни чет элдан ўтказишни ёки маълум миқдордаги шахсларни жалб қилишни талаб қилиши мумкин. Масалан, Хитой хорижий сармоядор фирмаларга фирма капиталини ошириш ёки бошқа фирмани ишга тушириш учун қайта инвестиция қилинган фойданинг 40 фоизи миқдорида солиқни қайтаришни таклиф қиласди. Фойда камида беш йил давомида қайта инвестиция қилиниши керак. Агар қайта инвестиция қилинган маблағлар беш йил ичида қайтариб олинса, фирма солиқларни тўлаши керак. Ҳиндистон, худди шундай, туризм ёки саёҳат билан шуғулланадиган фирмаларнинг даромадларини конвертация қилинадиган хорижий валютада олиш шарти билан соликдан озод қилишни таклиф қиласди[9].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, корпоратив даромад солиғи ва солиқ таътилларининг стандарт ставкаларини пасайтириш энг кўп қўлланиладиган фискал имтиёзлардир. Улардан сўнг асосий жиҳозлар, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни олиб кириш божларидан озод қилиш, бож тўловларининг камчиликлари, тезлаштирилган амортизация, даромад солиғи мақсадлари учун ялпи тушумдан аниқ чегирмалар, инвестициялар ва қайта инвестицияларга имтиёзлар ҳамда ижтимоий суғурта бадалларидан ажратмалар киради.

Солиқ имтиёзлари, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёмон. Солиқ имтиёзлари назарий жиҳатдан ёмон, чунки улар инвестиция қарорларини бузади. Солиқ имтиёзлари амалда ёмон, чунки улар кўпинча самарасиз, сунистъемоллик ва коррупцияга мойил. Шунга қарамай, деярли барча мамлакатлар солиқ имтиёзларидан фойдаланадилар. Ривожланган мамлакатларда солиқ имтиёзлари кўпинча инвестицион солиқ имтиёзлари, тезлаштирилган амортизация ва тадқиқот ва ишланмалар учун харажатлар учун қулай солиқ режими шаклида бўлади. Жаҳон Савдо Ташкилотидан кейинги дунёда иложи борича ривожланган мамлакатлар экспорт фаолиятини қўллаб-қувватловчи ва ўз резидент корпорацияларига глобал бозорда рақобатдош устунликни таъминлашга интиладиган солиқ режимларини ҳам қўллайдилар. Кўпгина ўтиш даври ва ривожланаётган мамлакатлар қўшимча эътиборга эга. Солиқ имтиёзлари маҳаллий ишлаб чиқаришни рафбатлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қўлланилади. Бу ерда танлов воситалари кўпинча солиқ таътиллари, минтақавий инвестиция имтиёзлари, маҳсус корхоналар зоналари ва қайта инвестицияларни рафбатлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, одатда солиқ имтиёзлари ҳукуматлар томонидан маълум бир иқтисодий мақсадни илгари суриси воситаси сифатида қўлланилади. Улар солиқ тўловчиларнинг танланган гуруҳига тақдим этиладиган имтиёзли солиқ режимлари бўлиб, улар имтиёзлар, солиқ таътиллари, кредитлар, инвестиция имтиёзлари, имтиёзли солиқ ставкалари ва импорт тарифлари (ёки божхона тўловлари) ва солиқ мажбуриятларини кечикитириш шаклида амалга оширилади.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРАТЛАРИ

айрим иқтисодий фаолиятнинг ташқи таъсири билан боғлиқ бозор самарасизлигини тузатиш

солиқ рақобатига дучор бўлган янги саноат тармоқлари ва мобил инвестициялар учун мўлжалланган

агломерация иқтисодиёти шаклини ёки контцентрацияли ташқи таъсирларни яратиш

маълум ҳудуддаги таназзул даврида компанияларни субсидиялаш

1-расм. Солиқ имтиёзларидан умумлаштирилган фойдаланишнинг заруратлари [32].

Юқорида келтириб ўтилганидек, солиқ имтиёзларидан умумлаштирилган фойдаланиш қўйидаги зарурат билан оқланади ва булаарни қўйидаги 1-расмда келтириб ўтганмиз:

- айрим иқтисодий фаолиятнинг ташқи таъсири билан боғлиқ бозор самарасизлигини тузатиш;
- солиқ рақобатига дучор бўлган янги саноат тармоқлари ва мобил инвестициялар учун мўлжалланган;
- агломерация иқтисодиёти шаклини ёки контцентрацияли ташқи таъсирларни яратиш;
- маълум ҳудуддаги таназзул даврида компанияларни субсидиялаш.

Дарҳақиқат, ривожланган мамлакатлар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини, экспорт фаолиятини рафбатлантириш ва ўз корхоналарининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш учун одатда солиқ имтиёзларидан фойдаланадилар. Ривожланаётган мамлакатлар эса шардан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва миллий саноатни ривожлантириш

учун фойдаланадилар. Гарчи дастлаб солиқ имтиёзлари жорий бюджетга таъсир қиласа ҳам, қимматга тушмайдиган бўлсада, улар даромадларни йўқотиш, паст иқтисодий самарадорлик, маъмурӣ ва қонунчиликка риоя қилиш харажатларининг кўпайиши, солиқни режалаштириш ва солиқларни ортиқча тўлашдан бўйин товлаш каби жиддий харажатларга олиб келиши мумкин. бу уларнинг имтиёзларидан ошиб кетиши ва умумий солиқ солинадиган базани сезиларли даражада бузиши мумкин. Солиқ имтиёзларининг ҳаражатлари ва фойдалари турли мамлакатларда турлича бўлишини ҳисобга олсақ, солиқ имтиёзларининг иқтисодий ўсишга ва умумий солиқ базасини кенгайтиришга таъсири бир хил эмас. Баъзи ҳолларда солиқ имтиёзлари мамлакатнинг сезиларли иқтисодий ўсиши ва ривожланишига ҳисса қўшадиган янги инвестицияларни жалб қилишда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлса, бошқаларида, солиқ имтиёзларининг маълум бир схемаси янги инвестицияларнинг кам бўлишига олиб келиши мумкин, бу эса ҳукуматларнинг катта харажатларига олиб келади.

Солиқ имтиёзларини аниқлаш осон. Улар истиснолар, кредитлар, имтиёзли солиқ ставкалари ёки солиқ мажбуриятларини кечиктириш имконини берувчи маҳсус қоидалардир. Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари кўп шаклларда бўлиши мумкин: чекланган муддатга солиқ таътиллари, ҳаражатларнинг айрим турлари учун жорий чегирма ёки импорт тарифлари ёки божхона тўловларини камайтириш. Бошқачасида, умумий солиқ тузилмасининг бир қисми ҳисобланган қоидалар ва маҳсус тартибни таъминлайдиган қоидаларни фарқлаш қийин бўлиши мумкин. Мамлакатлар мақсадли солиқ имтиёзларини қўллаш имкониятлари чекланган бўлса, бу фарқ муҳимроқ бўлади.

Солиқ имтиёзларини аниқ лойиҳа учун самарали солиқ юкини камайтиришга таъсири нуқтаи назаридан ҳам аниқлаш мумкин [8]. Ушбу ёндашув солиқ имтиёзларига мос келадиган лойиҳа бўйича нисбий солиқ юкини маҳсус солиқ таъминоти мавжуд бўлмагандага олинадиган солиқ юки билан таққослади. Ушбу ёндашув лойиҳа билан боғлиқ солиқ юкини камайтиришда ҳар хил турдаги солиқ имтиёзларининг нисбий самарадорлигини солиштиришда фойдалидир. Э.Алекснинг таъкидлашича, “солиқ имтиёзлари ўтган йилларга қараганда инвестиция қарорларига таъсир қилишда каттароқ роль ўйнаши мумкин. Нега инвестицион қарорлар қабул қилишда солиқни ҳисобга олиш муҳимроқ бўлиши мумкинлигини бир қанча омиллар тушунтиради.

Биринчидан, солиқ имтиёзлари ўтган йилларга қараганда анча сахиyroқ бўлиши мумкин. Инвестиция лойиҳалари учун солиқ юкининг самарали камайиши аввалгида қараганда каттароқ бўлиши мумкин, чўнки солиқ таътиллари муддатлари 2 йилдан 10 йилгacha кўтарилади ёки корхоналарнинг айрим ҳудудларида тақдим этилган солиқ имтиёзлари савдо солиқлари билан бир қаторда даромад солиғини ҳам ўз ичига олади.

Иккинчидан, сўнгги бир неча ўн йилларда савдони сезиларли даражада либераллаштириш ва капиталнинг катта ҳаракатчанлиги кузатилди. Солиқ бўлмаган тўсиқлар камайиши билан солиқларнинг инвестиция қарорларини қабул қилишда муҳим омил сифатидаги аҳамияти ортади.

Учинчидан, бизнес кўп жиҳатдан ўзгарди. Фирмалар ташкилий тузилмада, ишлаб чиқариш ва тарқатиш усулларида, ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот турларида катта ўзгаришлар киритди. Юқори мобил хизматлар ва номоддий обьектлар трансчегаравий транзакцияларнинг ўтган йилларга қараганда анча юқори қисмини ташкил этади” [4].

Энди ушбу тадқиқотларни амалиётдаги ҳолатини ўрганиш учун солиқ имтиёзлари бериш бўйича баъзи мамлакатлар тажрибасини кўриб чиқамиз.

Германия мамлакатида солиқ тушумларининг 40 фоизи даромад солиғидан, 25 фоизи қўшилган қиймат солиғидан шаклланади. Солиқ тушумларининг яна бир қисми мол-мулк солиғи ва битимлар ҳажмидан тушади.

Ушбу мамлакатда солиқларнинг ижтимоий адолатлилик тамойилига алоҳида эътибор беради. Кам таъминланган аҳоли қатлами солиқ имтиёзлари орқали молиявий қўллаб-қувватланади. Германияда солиқ имтиёзларини беришда инфляция даражаси ҳисобга олинади. Бу мамлакатда 2023 йилда инфляция даражаси 7 фоиз атрофида бўлишлиги прогноз қилинмоқда [23].

Японияда солиқлар миллий ва маҳаллий даражада йиғилади, бунда муниципал йиғимлар мамлакат бюджетининг қарийб ярмини ташкил этади. Японияда барча солиқлар асосан 3 гурӯхга ажратилади:

Биринчи гурӯх даромаддан йиғимлар: корпоратив фойдани солиқقا тортиш, жисмоний шахслар ва тадбиркорларнинг меҳнат ҳақидан солиқлар- Income tax и Corporation tax.

Иккинчи гурӯх мулқдорларнинг тўғридан-тўғри мажбуриятлари: мерос қолдиришдаги- Inheritance tax, ҳадя этишдаги – Gift tax, рўйхатга олишдаги – Registration and license tax.

Учинчи гурӯх айланмадан бевосита ва билвосита тўловлар: қўшилган қиймат солиғи- Consumption tax, акциз йиғимлари- liquor tax, tobacco tax, gasoline tax.

Японияда солиқ ставкалари юқори бўлганлиги туфайли солиқ имтиёзлари механизми орқали солиқка тортиш базаси пасайтирилиб борилади.

Японияда 2024 йил 1 апрелдан бошлаб корпоратив солиқ бўйича глобал минимал ставка қўлланиши режалаштирилган (GloBE).

Шунингдек 2025 йилдан бошлаб тежамкор автомобиллар учун солиқ имтиёзлари бекор қилинади .

Ушбу мамлакатда криптоинвесторлар учун фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзлари берилиши кутилмоқда [24].

Австралия, Австрия, Бельгия, Канада, Дания, Франция, Ирландия, Япония, Корея ва Нидерландия каби мамлакатларда солиқ имтиёзлари орқали билвосита қўллаб-қувватлаш тўғридан-тўғри молиялаштириш манбаларидан ошиб кетади. Саноатни давлат томонидан ҳар қандай қўллаб-қувватлашда бўлгани каби, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзларининг асосий иқтисодий асоси - тарқалишларнинг мавжудлигидир [1].

Саноат ишлаб чиқариши учун солиқ имтиёзлари жорий этилганда, ҳукуматлар ҳар бир ўлчовнинг ўзига хос хусусиятларини танлаши керак. Дизайн хусусиятлари молиявий рағбатлантиришнинг қуйидаги элементларини ўз ичига олади:

- рағбатлантиришга асосланган солиқ;
 - солиқни ҳисоблашда ҳисобга олиниши мумкин бўлган харажатлар рўйхати (солиқ базаси билан солиштирганда умумий ўсиш, илмий -тадқиқот харажатларининг барча тоифалари ёки фақат айрим харажатлар турлари),
 - бенефициарларнинг мақсадли гурӯхи,
 - ишлатилмаган даъволарни нақд пулга ўтказиш ёки қайтариш имконияти.
- Солиқ имтиёзлари корхоналарга ривожланиш харажатларининг маълум бир қисмини корпоратив солиқ мажбуриятларидан тўғридан - тўғри ушлаб қолиш имконини беради. Ҳозирги вақтда солиқ имтиёзларининг бу тури энг кенг тарқалган. Масалан, Қўшма Штатларда инвестиция солиқ имтиёзидан фойдаланиш компанияларга биринчи йилда 20 минг долларгача ҳисобдан чиқариш имконини беради.

Солиқ имтиёзларининг имтиёзлилик даражаси асосан солиқ имтиёзлари қийматини белгилайдиган солиқ тизимининг элементи ҳисобланади. Жаҳон

амалиётида у имтиёзли тартиб даражасини белгиловчи иккита асосий элементни ажратиб кўрсатди: чегириб ташлаш мумкин бўлган харажатлар фоизи ва декларация қилиниши мумкин бўлган солиқ имтиёzlарининг максимал миқдори. Бундан ташқари, солиқ имтиёzlари тизими фирма, тадқиқот ва ишлаб чиқиш, технология, минтақа ёки сектор турига кўра имтиёzlар даражасини фарқлаши мумкин. Илмий - тадқиқот ишлари бўйича солиқ имтиёzlари ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг чегирмалари учун биринчى элемент солиқ юкидан ёки ҳиссасидан олиниши мумкин бўлган илмий - тадқиқот харажатларининг фоизини кўрсатади. Бу фоиз мамлакатлар орасида катта фарқ қиласи: Италияда 10%, Голландияда 18%, Канада ва Кореяда 20%, Испания ва Францияда 30% гача [27].

Солиқ имтиёzlарининг яна бир элементи - саноат солиқ имтиёzlарини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларни аниқлаш. Бир ёндашув юридик шахсларга қаратилган бўлса, бошқа ёндашувлар кўпчилик мулкчилик ёки "фискал интеграция" га асосланган "корхоналар гурӯҳи" тушунчасини қўллайди (бу гурӯҳларга ўз филиалларининг турли натижаларини мувозанатлаш имконини берадиган функция). Бу ҳолда, фақат юридик шахслар чегарадан паст бўлган гурӯҳ миқдорининг сезиларли даражада ошишига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олсан (Франциядаги вазиятни яна бир бор ҳисобга олсан, парламент ҳисботида ҳисоб - китоб қилинишича, чегирмалар миқдори 300%, ҳар хил таърифларни ҳисобга олган ҳолда бир гурӯҳ учун фарқ қилиши мумкин.).

Ҳамма учун қўлланиладиган умумийликлардан ташқари, кўплаб схемалар бенефициарларни фарқлашга мойилдир. Улар Канада, Япония, Норвегия, Голландия ва Буюк Британиядаги каби кичик корхоналарга нисбатан саҳиyroқ бўлиши мумкин (бу мамлакатдан кичик бизнес нимани англашибини аниқлашни талаб қиласи). Улар янги ташкил этилган фирмалар учун катта имтиёzlар пакетини тақдим этишлари мумкин (Франция мисолида бўлгани каби, фоиз даромади ҳам биринчи икки йил давомида юқори бўлса). Солиқ кредити тадқиқот фаолиятининг маълум жиҳатларига ҳам эга бўлиши мумкин. Бу янги ишга қабул қилинган ходимларга юқори иш ҳақи чегирмаси бериб, иш жойини ошириши мумкин. Бироқ, энг кенг тарқалган хусусият - бу жамоат тадқиқотлари ва хусусан, университетлар билан боғлиқ барча харажатларнинг камайиши. Саноат кооперациясини қўллаб-қувватлайдиган бундай қурилма кейинчалик миллий инновацион тизим доирасида алоқаларни мустаҳкамлашда иштирок этади.

Жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар хил турдаги имтиёzlар ва преференциялар беришнинг асосий мақсадлари янги иш ўринлари яратиш ва ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришdir.

АҚШ Президенти Джозеф Байден 2024 молиявий йилда биткойн, кўчмас мулк ва нефтгаз секторига йўналтирилган инвестициялар учун солиқ имтиёzlарини бекор қилишни таклиф қилди. Унинг сўзига кўра кейинги 10 йиллар мабойнида ҳар йили солиқ имтиёzinи бекор қилиш ҳисобига бюджет дефицитини 5,5 трнл долларга қисқатириш мумкин экан. Шунингдек, криввалютага киритилган инвестицияга берилаётган солиқ имтиёzlарини бекор этиш ҳисобига 24 миллиад доллар миқдорида бюджет маблағлари иқтисод қилинар экан [10].

Россия Федерацияси ҳукуматининг 2022 йил 30 сентябрдаги 1729-сон қарори билан ахборот технологиялар соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларни қуллаб қувватлаш мақсадида солиқ имтиёzlари берилиши белгилаб қўйилган [26]. 2023 йилдан бошлаб IT-компанияларга қўйидаги имтиёzlар ва енгилликлар берилди:

- фойда солиғи бўйича 0 ставкани қўллаш;
- мажбурий пенсия суғуртаси бўйича пасайтирилган-6% суғурта бадали тўлаш;
- дастурий таъминот яратувчилар учун 0 ставкали ҚҚСни қўллаш;
- камерал солиқ текширувларини бекор қилиш;

амортизация суммасини ҳисоблашда енгилликлар бериш [11].

Ўтган йили ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хизматларининг қўшилган қиймати алоқа хизматлари - 66,5%, компьютер дастурлари, маслаҳатлар ва бошқа тегишли хизматлар - 19,4%, маълумотларни жойлаштириш ва қайта ишлаш хизматлари, Web-порталлар - 7,0%, компьютерлар ва алоқа воситаларини таъмирлаш - 4,7%, дастурий таъминотни чиқаришдан иборат. - 2,4%. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, Россия Федерациясининг IT-компаниялари ва IT Parkларини солиқ имтиёzlари ҳамда преференциялар бериш асосида молиявий қўллаб-қувватлаши мамлакатимиз амалиётига қуллаш иқтисодий самара беради. Шуни амалиётда қўллаш мақсадида мамлакатимизда фаолият қўрсатаётган IT Park резидентларга қўйидаги солиқ имтиёzlари берилмоқда:

барча солиқлардан тўлиғича озод этиш-0%;

божхона тўловларидан озод этиш-0%;

жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаси-7,5%;

дивидендга солинадидан солиқ ставкаси-5% [12].

АҚШда 2021 йилда оиласларнинг яримидан кўпи федерал даромад солиғини тўламади. Бу асосан COVID-19 пандемия даврида аҳолини қўллаб қувватлаш мақсадида даромад солиғи бўйича берилган солиқ имтиёzlари ва чегирмалар билан боғлиқ. Tax Policy Center аналитик марказ маълумотларига даромад солиғи тўламаган оиласлар сони 2020 йилда 44% бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 57% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2023 йилда 42%га пасайса 2029 йилга бориб 38% бўлишилиги прогноз қилинмоқда [16].

АҚШнинг ушбу тажрибасини мамлакатимиз амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тўғри COVID-19 пандемия даврида мамлакатимизда ҳам тегишли чоралар кўрилди, лекин улар асосан юридик шахсларга берилган солиқ имтиёzlари билан чегараланди.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2022 йил якунига қадар солиқ имтиёzlарини, шу жумладан, маҳфийлик белгиси остида тақдим этиладиган солиқ имтиёzlарини ҳисобга олиш ва бошқариш бўйича "E-imtiyoz" ахборот-таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шу жумладан, уларнинг қўлланилишини электрон ҳисобварақ-фактураларда, ҳисоботларда ва бошқа электрон маҳсулотлар ва хизматларда акс эттиришни назарда тутиши керак. Чунки "E-imtiyoz" ахборот тизими мавжуд бўлган имтиёzlар рўйхати, улардан фойдаланиш суммаси ва фойдаланган тадбиркорлар ҳақида умумлаштирилган маълумотларга эга бўлади. Мазкур жараён давомида имтиёzlар тизимлаштирилади ва уларга идентификация (ID) рақамлари бириктирилади. Кейин эса бу индентификацион рақамлари имтиёз берилган маҳсулотларнинг МХИК кодлари ва имтиёзни қўллашга ҳуқуқи бор тадбиркорларнинг СТИРлари билан боғланади. Мазкур тизим орқали солиқ тўловчининг ихтиёрига кўра имтиёздан фойдаланиши мумкин бўлмайди. Агар корхона СТИРида имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилган бўлса ёки маълум бир МХИКга имтиёzlарнинг IDси бириктирилган бўлса, уни ишлатиши мумкин бўлади.

Мамлакатимиз амалиётига илғор хорижий давлатлар тажрибасини иқтисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиқсан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Хорижий тажрибалар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир мамлакат ўзининг маданий хусусиятларини, табиий ресурсларини, илмий-техник жиҳозларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий барқарор солиқ тизимини яратишга ҳаркат қилиши лозим. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бюджетни тўлдиришнинг қўшимча манбаларини қидирмоқда. Солиқ юкининг ошишига йўл қўймаслик учун

мансабдор шахслар фискал сиёсатнинг муқобил жиҳатларини кўра бошладилар, масалан, солиқ маъмуритчилигини такомиллаштириш, яъни солиқ хизматлари ишини яхшилаш эмас, балки солиқ имтиёзларини камайтириш демакдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини баҳолашга асосланиб, солиқ имтиёзлари тизими талабларга фақат қисман жавоб беради деган хуносага келиш мумкин: солиқ имтиёзларини белгилаш мақсади кўпинча шартлар билан қўллаб-қувватланмайди. Бу, ўз навбатида, муйян солиқ имтиёзларининг мақсадли таркибий қисми мажбурий эканлиги тўғрисида хулоса қилиш ҳуқуқини беради. Давлат солиқ тўловчилар томонидан олинган имтиёзлардан улар томонидан маълум мақсадларда фойдаланиш кафолатларига эга бўлиши керак ва бу солиқ тўловчи томонидан қўшимча олинган молиявий маблағлардан ушбу солиқ имтиёзи назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш кафолатлари қонун билан белгиланадиган тизим мавжуд бўлгандағина йўналтирилиши мумкин. Юқорида айтилганларга асосланиб, мамлакатимизда солиқ қонунчилигида назарда тутилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларини инвентаризация қилиш асосида самарадорликни ошириш учун уларни тизимлаштириш зарур деган хуносага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Adam, A. The effect of globalization on capital taxation: What have we learned after 20 years of empirical studies? / A. Adam // Journal of Macroeconomics. – 2013.– № 35(1). – p. 199–209.
2. Arogundade, J. A. (2005). Nigerian income tax and its international dimension. Ibadan: Spectrum Books Ltd
3. Anyanwu, S. (2015). Companies Income Tax Act. Abuja: Federal Government Press.
4. Alex Easson, “Tax Incentives for Foreign Investment, Part I: Recent Trends and Counter-trends”, Bulletin for International Fiscal Documentation, vol. 55. (2001).
5. Bassey, U.O. (2013). Companies taxation in Nigeria. Lagos: The CIBN Press Ltd. Business Day (Newspaper) 26th August
6. Ibraheem, Abdullahi Aderemi, Olaitan, Wasiu Abiodun, Oyetola, Daud Olawale, Omoniyi, Oyelowo Oyetade, Amolegbe, Sikiru Adesola. Impact of Tax Incentive on Industrial Growth and Development. International Journal of Academic Management Science Research (IJAMSR) ISSN: 2643-900X Vol. 4, Issue 7, July – 2020, Pages: 171-179 www.ijeais.org/ijamsr 171
7. Ihe, G. (2012). Industrial Development Income Tax Relief Act. Abuja: Federal Government Press
8. Howell H. Zee, Janet Gale Stotsky and Eduardo Ley, “Tax Incentives for Business Investment: A Primer for Tax Policy Makers in Developing Countries”, International Monetary Fund (Washington, D.C., IMF, 2001)
9. Tax Incentives and Foreign Direct Investment A Global Survey UNITED NATIONS New York and Geneva, 2000
10. <https://coinunited.io/news/ru/2023-03-10/crypto/as-biden-s-u-s-budget-shows-significant-setback-for-crypto-bitcoin-price-falls-below-21k/>.
11. <https://delovoymir.biz/nalogovye-lgoty-dlya-it-kompaniy-v-2023-godu.html>.
12. IT-Visa в Узбекистане выдается сроком до 3 лет. <https://www.kaspiy.az/it-visa-v-uzbekistane-vydaetsya-srokom-do-3-let. 10.03.2023.>
13. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhreddin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>

14. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиқса тортишни такомиллаштириш. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
15. Беломытцева О. С. Оценка эффективности налоговых льгот для частных инвесторов на рынке ценных бумаг: методология и инструментарий. Автореферат диссертации по специальности 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. 2022.
16. Более половины семей в США были освобождены от уплаты подоходного налога в 2021 г. <https://www.interfax.ru/business/831385>.
17. Нормурзаев У.Х. Солиқ имтиёзларининг самараадорлиги: назария, методология ва амалиёт. 08.00. 07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2022.
18. Марис Лиепа. Определение базовой (нормативной) структуры налога и налоговых льгот. https://bstudy.net/941870/ekonomika/opredelenie_bazovoy_normativnoy_struktury_naloga_nalogovyh_lgot. 25.02.2023.
19. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. Iqtisodiyot Va ta'lif, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
20. Исаев Ф.И. "Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш". и.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2019 йил. 116 бет.
21. Кузнецов П. Виды налогов и налоговых льгот <https://xn--b1aasedeuba5ai.xn--p1ai/blog/vidy-nalogov-i-nalogovyh-lgot>. 25.02.2023.
22. Курбанов З., Акрамов Ф. "Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари" Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015
23. Налоги в Германии для предприятий и физических лиц в 2023 году. <https://ostwest.tv/news/chto-izmenitsya-v-germanii-v-2023-godu/>. 9.03.2023.
24. Налоговые льготы для криптоинвестора как способ привлечения компаний в Японию. <https://aussiedlerbote.de/2022/08/nalogovye-lgoty-dlya-criptoinvestora-novye-mery-v-yaponii/>. 10.03.2023.
25. Пансков В.Г. Налоги и налоговая система Российской Федерации. [Текст] / В.Г. Пансков. — М.: Финансы и статистика, 2013. — 478.
26. Постановление правительства РФ от 30 сентября 2022 г. n 1729 "Об утверждении положения о государственной аккредитации российских организаций, осуществляющих деятельность в области информационных технологий".
27. Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш вазирлигининг расмий веб-сайти / Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш вазирлиги.– URL: <http://www.economy.gov.ru> (кириш санаси: 07/13/2017).
28. Рахматуллаева Ф. "Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли" Молия илмий журнали №2/2016 108 бет
29. Тарасченко В.А. Теоретико-методические подходы к классификации налоговых льгот в Украине. Вопросы современной экономики. 2013 июль. DOI:10.24194/21318.
30. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2018
31. Юшкова О.О. Влияние налоговых льгот на эффективность предпринимательской деятельности Российской Федерации. Наука XXI века №4 2017.
32. Тадқиқот доирасида муаллиф томонидан шакллантирилган.